



Куёшли кунда осмонда сузиб юрган тўп булутларни кузатар экансиз, сув бугларининг тўпланишидан хосил бўлган бу булутларнинг канчалик огир эканлигини тасаввур ҳам кила олмайсиз. Уларнинг вазни жуда огир бўлади. Масалан, момакалдирок пайтида бундай булутларда 300 минг тоннага якин сув тўпланади. Осмонларнинг шу кадар огир юкни бемалол кўтариб тура оладиган бундай хусусиятидан инсон хайратга тушади. Куръони Каримнинг бир неча оятларида мана шу хусусият зикр қилинади.

«У Ўз раҳматининг (яъни, ёмгирнинг) олдидан хушxabар килиб шамолларни юборган Зотдир. Биз ўлик шахар-масканларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва хайвонлари ҳамда инсонларни сугориш учун осмондан пок сув ёгдирдик». Фурқон сураси, 48-49-оятлар

Куръон нозил қилинган даврда одамлар булутларнинг огирлигини аниқлаш имкониятига эга эмас эдилар. Олимлар бундай билимларга яқиндагина эга бўлдилар. Мана шундай оятлар муқаддас китобимизнинг илохий вахий эканлигини бизга яна бир бор тасдиқлайди.

Абу Муслим тайёрлади